Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ▲ №130 (8870). ● 3 июль, 1986 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

*Ем-хашак тайёрлаш «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

## ЎРИМНИ КЕЧИКТИРМАНГ

БЎСТОНЛИҚ районидаги Калинин номли колхоз меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда бирмунча яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан хўжаликда давлатга сут топшириш бўйича ойлик ва квартал планлари ортиғи билан бажариб келинмоқда. Ўтган ярим йилда 213 тонна сут сотиш планлаштирилган эди. Бу кўрсаткич шу кунгача 230 тоннадан ошди. Бироқ колхозда қишлов учун озуқа жамғариш ишларида сусткашликка йўл қўйилиб, район кўрсаткичларидан ортда қолинмоқда.

Хўжаликда қишловга 3300 тонна дағал хашак жамғариш планлаштирилган. Шу кунгача эса атиги 704 тонна озуқа тайёрланди, холос. Хўш, бунинг сабаби нимада? Колхозда дағал хашак тайёрлаш ишлари билан Худойберган Илҳомов бошлиқ махсус бригада шуғулланади. Бригадада кейинги вақтларда меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Натижада беда етиштиришда агротехника қоидалари бузилди. Биринчи ўрим кечиктириб юборилди. Пичан қисқа фурсатларда йиғиштириб олинмагани туфайли унинг сифати ҳам анча паст бўлди. Озуқа жамғаришдаги бу муҳим тадбирнинг чўзилиб кетиши ва пала-партишлик билан амалга оширилиш иккинчи ўримнинг ҳам кечикишига олиб келди, албатта. Айни пайтда областимизнинг илғор хўжаликларида беданинг учинчи ўрими бошлаб юборилган бир пайтда колхозда бу ишга киришилгани йўқ.

Шу кунларда хўжалик далаларида табиий ўт пичани жамғарилмоқда. Бироқ бу ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Агар иш шу зайлда давом этаверса хўжаликда қишлов учун мўлжалдаги ем-хашакни тайёрлаш мумкин бўлмай қолади. Шундай экан озуқакорлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ҳар бир кишининг топширилган ишга нисбатан талабчанлигини ошириш лозим. Суғориладиган майдонлардаги беда ва бошқа озуқа экинлари парвариши агротехника талаблари асосида олиб борилиши керак. Шундагина колхозда қиш фаслида ҳам кўплаб миқдорда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш мумкин бўлади.

**А. ИБРОҲИМОВ.**

## ЧОРВА ЖОНКУЯРЛАРИ

ТОШКЕНТ районидаги Навоий номли колхознинг Зариф Ёқубов бошчилик қилаётган комсомол ёшлар бригадаси аъзолари бир неча йилдирки хўжалик чорваси учун ем-хашак етиштириш билан шуғулланишмоқда. Бу ишни улар ўз ташаббуслари билан қилишмоқда. Бу йил бригада озуқакорлари лавлагининг ҳар гектаридан 500 центнердан, силос учун экилган маккажўхорининг гектаридан эса 600 центнердан кўк масса олиш мажбуриятини қабул қилишган.

Айни кунларда озуқа экинлари парвариши намунали ташкил этилмоқда. 25 гектар ердаги лавлаги, 54 гектар майдондаги маккажўхори ўз вақтида озиқлантирилиб, суғориб борилмоқда. Шунинг учун ҳам баравж ривожланмоқда.

— Соғин сигирлардан қиш даврида мўл ва серқаймоқ сут соғиб олишда ширали озуқаларнинг роли катта, — дейди бригада бошлиғи. — Биз шуни ҳисобга олиб мажбуриятдагидан ҳам кўпроқ озуқа жамғариш учун курашаяпмиз. Қишлов учун 2000 тонна озуқа лавлаги ва 2700 тонна силос тайёрлаб берамиз.

Бригаданинг Оловиддин Ёқубов, Баҳодир Зокиров, Шуҳрат Тожибоев, Муқаддас Азизова сингари комсомол ёшлари мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилишаяпти.

**Т. ЖЎРАЕВ.**




*Беш йиллик шиори:*

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ, СИФАТ ВА ТЕЖАМКОРЛИК

## КОНВЕЙЕР УСУЛИДА

ЯҚИНДА Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз марказий ремонт устахонасида бўлдик. Бу ерда сўнгги йилларда техникага бўлган муносабат тубдан ўзгариб кетди. Ҳамма дала ишлари асосан машина-механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Шунга яраша техника қарови ҳам сифатли бўлаяпти. Устахона дарвозасидан кираверишдаги стендлардан бу ердаги ҳамма нарсадан хабардор бўлиш мумкин. Ҳовлини, бостирмаларни айланиб кўздан кечирдик. Ремонтдан чиқарилган техника тартиб билан қўйилган.

17 та пахта териш, 4 та кўсак узиш, 10 та кўрак чувиш машиналари, 32 та прицеп, 6 та ортиш механизми, 5 та ғўза баргини тўктиришда ишлатиладиган ОВХ пуркагичлари аллақачон ремонтдан чиқарилган.

Баҳорги ишлар тугаши билан 20 та чигит, 8 та каноп экиш сеялкалари ҳам дарҳол созланди ва тайёр техника сақланадиган майдонга ўтказилди.

Хўжаликда техника воситаларини сифатли созлаш, механизмларни кўз қорачиғидай асраш, умрини узайтиришда катта иш бошланди Бунда устахона коллективи намунали меҳнат қилаяпти. Слесарлар Қобил Комилов, Холмурод Умаралиев, слесарь-моторист Пардабой Эсонбоев, токарь Бахтиёр Арзиматов, темирчи Малик Магарамовлар тажриба ва маҳоратларини ишга солишмоқда.

— Биз ишни меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан бошладик. Биринчи галда иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланишга интилаяпмиз, — дейди ремонтчилар бригадаси бошлиғи А. Тангирбердиев.

### Техника ремонтини тезлаштирайлик

— Тўғри, авваллари орамизда ишга ҳар куни номигагина келиб-кетадиганлар учраб турарди. Ҳозирда бундай ҳолларга барҳам берилган.

Устахонада ремонтчилар ишининг унумли бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. 4 хонадан иборат дам олиш уйида телевизор, радио, кутубхона бор.

Шуни айтиш кераккки, колхозда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Ҳовлида қачонлардир замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган янги ремонт устахонаси қурилиши бошланган-у, тугалланмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу иш ниҳоясига етказилса, баъзи бир зарур деталларни шу ернинг ўзида тайёрлаш учун шароит яратилади. Бошқа ремонт устахоналарига боришга ҳожат қолмайди.

Иккинчидан, бостирмалар паркдаги барча техникалар учун етарли эмас. Ёғин-сочинда қолган механизмларнинг қанчалик тез ишдан чиқиши ҳаммага аён. Колхоз правлениесида бу ишни тезроқ ниҳоясига етказиш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Карл маркслилар съездлар йилида 1115 гектар майдонда деҳқончилик қилишаяпти. Пахтакорлар ҳар гектаридан 32,1 центнердан ҳосил кўтаришга, пахта сифатини яхшилашга аҳд қилишган. Шу кунларда хўжаликдаги мавжуд 25 та культиватор унумли ишлатилмоқда. Ҳозирданоқ ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу йил колхоз меҳнаткашлари етиштирилаётган пахтанинг 85 процентини машиналар билан териб олишмоқчи.

**С. ҚУРБОНҚУЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

● Ўрта Чирчиқдаги «Северний маяк» колхозининг Фотима Каримова бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари шу кунларда ғўза парваришини ҳар томонлама кучайтирмоқдалар. Улар бу йил 126 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Суратларда: (ўнгда) бригада етакчиси Ф. Каримова; ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Зуфаров фотолари.





## ГЕОЛОГЛАР УЧУН ЯНГИ УСКУНА

ТОШКЕНТДАГИ «Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводида «ПОУ 4-2М» кўчма бурғилаш ускунаси кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Бу ускуна катта эмас, лекин хосияти кўп. Ундан шаҳар шароитида ҳам, бевосита намуна олинаётган «дала» шароитида ҳам фойдаланса бўлади.

Завод меҳнат аҳли рангли ва асил металлар марказий илмий-тадқиқот геология-разведка институти билан ҳамкорликда ишлаб чиққан бу ускунага ер ости разведкачилари яхши баҳо бердилар. Ускунанинг дастлабки тажриба туркуми Урал, Сибирда ва мамлакатнинг бошқа регионларида синовдан муваффақиятли ўтди. Йил охиригача яна 40 та ана шундай машина тайёрланади.

**(ЎзТАГ).**

## СИФАТ БЕЛГИЛИ МАҲСУЛОТЛАР

«УЗБЕКХИММАШ» заводи коллективи йил бошидан бери 9,2 миллион сўмлик сифат белгили маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу эса планда кўзда тутилганидан анча кўпдир.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга химия ускуналари цехининг участка ва бригадалари муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек механика цехининг бир неча бригадалари ҳам мусобақанинг олдинги сафида бормоқда. А. Кара бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари ишлаб чиқараётган аппаратларнинг ҳаммаси эса фахрий беш қиррага эга.

Иттифоқимизнинг қатор химия корхоналарига жўнатилаётган Чирчиқ маҳсулотлари сифатидан истеъмолчилар мамнун бўлишмоқда.

**Э. РИЖИКОВА.**

*Область мукофоти лауреатлари*

## АВТОМАТЛАР СОЗЛОВЧИСИ

ШАВКАТ энди бу корхонадан бир умр миннатдор бўлиб қолади. Ёдида, йигитлик бурчини ўтаб, армиядан қайтгач, ҳадеганда унинг иши юришавермади. Қурилишда ғишт териб кўрди, почтада ишлади, бўлмади.

— Балки, бир ўқиб кўрарсан, — дейишди ўртоқлари ярим ҳазил, ярим чин билан. У ўртоқларининг кесатиқнамо бу гапига ўчакишиб ҳисоб-кредит техникумига ўқишга кирди. Роппа-роса бир ярим йил у ерга қатнади. Бироқ... у ҳам бўлмади.

— Қачонгача бунақа қилиб юрасиз. Энди ёш бола эмассиз. Сиз тенгилар ўз коллективида обрў-эътибор орттириб юрибди. Яқинда ўзингиз «Аҳмад ўртоғим орден билан мукофотланди» дедингиз...

Хотинининг бу гаплари Шавкатга оғир ботди. Кўп ўйлаб ўтирмай эртасигаёқ уйлари яқинидаги «Узбитхим» бирлашмасининг Тошкентдаги ювиш воситалари заводига кириб борди.

— Зап келибсиз-да, — дейишди унга кадрлар бўлимидагилар. Сизни қадоқлаш цехига ишга юборамиз.

Умр оқар дарё дейдилар. Мана, ўшанга ҳам 7 йил бўлибди. Шавкат бу давр мобайнида ҳалол, фидокорона ишлади, коллектив ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

— Ҳаётдаги ўз ўрнимни шу корхонадан топдим, — дейди Шавкат. — Дастлаб автоматлар операторига шогирд тушдим. Орадан кўп ўтмай қадоқлаш автоматларига созловчи этиб тайинландим. Энди эса олтинчи разрядли созловчиман.

Шавкат техникани шундай мукаммал эгаллаб олганки, автоматнинг қаерда, қайси мурвати қандай ишлаётганини созми ёки носоз эканини товушиданоқ билиб олади. Шундан бўлса керак, уни заводда кўпчилик «станоклар доктори» деб атайди. Бу норасмий унвонга осонликча эришгани йўқ. Цехдаги машина-механизмларнинг кетма-кет бузилавериши, операторларнинг бўлбўли-ю, бригадирнинг дакки ва насиҳатлари уни тез, сифатли, чаққон ишлашга ўргатди.

— Бригадамиз 5 нафар ишчидан иборат, — дейди бригадир Лариса. — Коллективимиз жуда аҳил, бизнинг меҳнат муваффақиятларимиз эса машина-механизмларнинг бенуқсон ишлашига боғлиқ. Уларнинг бир маромда ишлашини эса созловчи Шавкат Сахиюлин назорат қилади. Унинг ўз касбига меҳри, садоқати туфайли аппаратлар ҳеч қачон узоқ вақт бекор туриб қолмайди.

— Доим смена бошланмасдан 15—20 минут вақтли келаман, — дейди Шавкат ўзининг иш услуби тўғрисидаги саволимизга жавобан. — Керакли барча асбоб-анжомларни смена бошлангунча ишга ҳозирлаб қўяман. Бу эса иш жараёнида шошиб қолмасликка, иш вақтидан самарали фойдаланишга сабаб бўлади.

...Кечки пайт одатдагидек оила аъзолари тўпланишди. Газета варақлаб ўтирган турмуш ўртоғи беҳосдан «Вой, Шавкат ака, табриклайман!» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Газетанинг шу сонида эълон қилинган Тошкент область мукофоти лауреатлари орасида «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент сунъий ювиш воситалари заводининг қадоқлаш автоматлари цехи созловчиси Шавкат Сахиюлиннинг ҳам номи қайд қилинган эди. У меҳнатда эришган катта муваффақиятлари учун химия саноати ходимларининг «Эликсир» мукофотига сазовор бўлди.

**Ш. НАБИХЎЖАЕВА.**

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси 4 июль куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 3 июль куни соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида. 4 июль куни эса эрталаб 8 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 4 июль куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида ўтказилади.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 61-ҚУРИЛИШ САЙЛОВ ОКРУГИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 57-моддасига биноан Тошкент областининг 61-Қурилиш сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлови 1986 йил 3 август, якшанба кунига белгилансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

1986 йил 2 июль.
Тошкент шаҳри.

## Москвада матбуот конференцияси

1 июль куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлди. Конференция Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг НАТОга аъзо бўлган давлатларга, Европадаги барча мамлакатларга Европада қуролли кучларни ва оддий қуролларни қисқартириш программасини таклиф этган мурожаатномасига бағишланди.

Шу муносабат билан СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский берган баёнотда гап ҳарбий хавф-хатарни камайтиришга олиб борувчи йўллар харитасида яна бир йўналиш бўйича ҳаракат программаси тўғрисида бораётганлиги таъкидланди.

СССР ва унинг иттифоқчилари, деди у, шу асрнинг ўзидаёқ ядровий ва химиявий қурол тугатилишига эришишга интилиб, буни қуролли кучлар ва оддий қуролларни анча қисқартириш билан мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Яқинда бизда, Чернобилда ва ГФРнинг Хамме шаҳрида бўлиб ўтган авариялар тинчлик мақсадларидаги атом қурилмаларининг зич тармоғи мавжудлиги, уларнинг ҳатто оддий қурол билан шикастланиши беқиёс хавф-хатар манбаи бўлиши мумкинлигидан ғоят жиддий огоҳлантирди. Янги программа оммавий қирғин қуролини тугатишга оид куч-ғайратларга қўшимча бўлиши билан бирга, бошқа масалаларга боғлиқ бўлмаган бутунлай мустақил характердадир. Программанинг моҳияти Европада қуруқликдаги қўшинларни ва тегишли ядровий қуроллари билан биргаликда тактик зарбдор авиацияни салмоқли, реал сезиларли тарзда — иккала томон қўшинларининг тўртдан бир қисмини, яъни бир миллион одамни қисқартиришдан иборат. Дастлабки қадам тариқасида қарама-қарши турган гуруҳлар қўшинлари сонини бир-икки йил давомида бир марта ҳар бир томондан 100-150 минг одамни ўзаро қисқартириш таклиф этилади.

Қуролли кучларни ва оддий қуролларни қисқартириш тўғрисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртага қўйган программа Европада иккита энг катта ҳарбий гуруҳ бир-бирига қаршима-қарши турганлиги учунгина эмас, шу билан бирга қитъа Умумевропа ҳамкорлиги проблемаларини сиёсий жиҳатдан ҳал этиш соҳасида тўпланган тажриба жиҳатидан кескинликни юмшатишнинг янги воситаси ролини ўйнаши учун, планетанинг бошқа районларига яхши намуна кўрсатишда барча имкониятларга эга бўлганлиги учун ҳам Европага даҳлдордир.

Социалистик мамлакатларнинг янги таклифлари қаратилган кимсаларнинг бу таклифларга нисбатан расмий муносабати бизни ташвишлантирмай қола олмайди, деди министр ўринбосари. Улар мана уч хафтадан буён мазкур таклифларни ўрганиб чиқиш зарурлиги тўғрисида гапирсалар-да, бундай ўрганишдан бирон натижа чиқиши ҳеч сезилмаяпти.

Шу билан баб-баравар АҚШ ва НАТО блокининг ҳарбий тайёргарликлар машинаси ҳамон зўр бериб ишламоқда. Ғарбнинг ҳукмрон доираларида ҳарбий программаларни рўёбга чиқаришни кечиктириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилмаётганлиги эътиборни ўзига жалб қилади. Қурол-яроғларни қисқартиришга доир музокараларда аҳдлашувга эришиш сари ҳаракат йўқлиги билан АҚШ ва унинг энг яқин иттифоқчиларининг зўр бериб ҳарбий тайёргарлик кўраётганликлари ўртасидаги оралиқ тобора кенгаймоқда. Айни вақтда агар мавжуд аҳдлашувлар СКЧ-2 шартномаси сингари қурол-яроғларни кўпайтириш программаларини рўёбга чиқариш йўлида ғов бўлиб қолса, уларга ҳам путур етказилмоқда.

Вақт кутиб турмайди. Қурол-яроғларни чеклаш ва тинчликсеварлик тўғрисидаги қуруқ гаплар эмас, балки амалий ҳаракатлар зарур.

Журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Матбуот конференциясида СССР Қуролли кучлари Бош штаби бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник Н. Ф. Червов ҳозир бўлди.

**(ТАСС).**

## КАДРЛАР ЎҚУВИ

2 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия-хўжалик активи мактабида навбатдаги машғулот ўтказилди. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин «КПСС XXVII съезди ҳозирги замон идеология кураши ва меҳнаткашларнинг сиёсий сезгирлигини ошириш тўғрисида» лекция ўқиди.

**(ЎзТАГ).**

ОБЪЕКТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ИШГА СОЛИНСИН!

## ҚУЮВЧИЛАРНИНГ ШОДЛИГИ УЗОҚҚА БОРМАДИ

Ўзбекистон ССР, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Иргидромаш» заводининг янги қуюв цехлари комплексидаги электр печда дастлабки металл эритиб олинди. Бу печь бир вақтнинг ўзида 10 тонна чўян эритишга мўлжалланган. Ҳозир печь синаб кўрилмоқда, бундан кўзда тутилган асосий мақсад ускуналарни созлашни ниҳоясига етказишдир. Шундан кейин печь автоматик режимда бошқариладиган бўлади.

— Бунга бир неча кун керак бўлади, — дейди заводнинг бош инженери А. Л. Белобородов. — Биз ишга шай бўлиб турибмиз. Аммо махтал бўлиб қолсак керак...

«Иргидромаш» ходимлари бунга кўникиб кетишган. Қуюв цехлари комплекси қурилиши 1974 йилда бошланган эди. Шу давр мобайнида завод ўз кучлари билан чоғроқ печи бўлган кичик экспериментал қуюв цехини қуриб битказишга ҳам улгурди. Бу ер кичик туркумдаги металлар эритиш учун ўқув майдони бўлади, деб ўйлашган эди. Лекин ҳозир бу цехда масъулиятли буюртмаларни ҳам бажаришга тўғри келмоқда.

Бўлажак гигантнинг биринчи ишга тушириш комплексида ҳанузгача на вентиляция, на кокилларни қизитадиган система бор, буларсиз эса қуюв жараёни нормал бормайди. Биз бу ўринда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ишчи группаси «Промжилводстрой» бинокорларига таъкидлаб кўрсатган «майда-чуйда» чала ишлар ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз. Афсуски, бир министрликнинг икки бўлинмаси — қурилиш тресты билан завод ўртасидаги ҳамкорлик дастлабки металлдан қуйилган «биринчи эритма» медалида тасвирланганидек мустаҳкам бўлгани йўқ.

Агар қурилиш «суръати» бундан буён ҳам илгаригидек бўлаверса, лойиҳага кўра йилига 60 минг тонна чўян ва пўлат қурилма ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, замонавий автоматик линиялар билан жиҳозланадиган ҳамда республика халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун ҳам, ирригация учун ҳам пишиқ-пухта ва арзон маҳсулот етказиб беришга даъват этилган гигант ҳақидаги орзулар яна узоқ вақт саҳродаги саробдек тутқич бермай қолавериши мумкин.

**О. ЛУКЬЯНЧИКОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

